

ЛЕВИАФАН СИЁСАТ: ҚЎРҚУВ БОШҚАРАДИГАН ДАВЛАТ

Туробова Оқида Рустамовна

Мустақил тадқиқотчи

Телефон: +998946764656

Аннотация: Ушбу мақолада “Левиафан” сиёсат, унинг моҳияти, қўрқувга асосланган давлат бошқарувини чуқур тахлили, унинг оқибатларининг жамият ва ёшлар онгида акс этишининг аянчли оқибатлари, давлатнинг бошқарув тизимидаги тизимига турли технологик платформа ва технократияни таъсири ёритилади.

Ключевые слова: «Левиафан», Томас Гоббс, давлатчилик режимлари, «Левиафан»нинг қудратли кучи, информацион «Левиафан»

КИРИШ

Давлат, сиёсат, бошқарув категориялари, жамият, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий жамият ва давлатларнинг сиёсати ҳақида ҳамма замонларда, даврларда турли олимлар, политологлар, социологлар томонидан муҳокама қилинган ҳамда таҳлилланган.

Бугун сўз юритмоқчи бўлган мавзуим – “Левиафан” сиёсати ва унга асосланган давлатнинг ижтимоий-сиёсий кўриниши ҳақида сўз юритамиз. Чунки бугунги кунда бу мавзу бўйича ёритувлар нисбатан кам бўлиб, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бот – бот тилга олинаётган мавзу ҳисобланади.

"Левиафан давлат" ибораси сиёсат, давлат ёки сиёсий тузилмаларни ифодалайди. Шунингдек, Томас Гоббснинг "Левиафан" асарига ишора ҳисобланади. Бунда давлатнинг ўзи катта ва олий тузилма сифатида тасвирланган [Википедия].

Левиафан сиёсатининг асосий қуроли – тартиб ва назорат, тинчликни асраб туриш баҳонасида қаттиқ сиёсат олиб борилишидир. Бюрократия, назорат камералари, назорат қилувчи ҳар битта деталлар (бунда ҳатто инсон омили ҳам иштирок этиши мумкин), солиқлар (албатта давлатнинг иқтисодий таянчи бўлган бу иқтисодий атрибутсиз бу сиёсатнинг молиявий қудрати йўқолади, шу боисдан солиқ сиёсати доимий модернизациядадир), қонун (бу Левиафан сиёсатнинг энг узун ва қудратли қўли), рухсатномалар (Левиафан сиёсатнинг энг зўр назорат қуроли) ҳисобланади. Аввал “хавфсизлик учун” деган дейилган сиёсат, инсонлар онгида “бундай бўлиши албатта шарт ва мажбурий” деган ғояни аста-секинлик сингиб бориши билан хавфлидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР: «Левиафан» ва сиёсатга оид асосий тушунчалар 17-асрда (1651 йилда) Томас Хоббс “Левиафан” деб номли асаридан сўнг фанга кириб келган тушунчадир. Бу асар сиёсат фалсафасининг энг кўзга кўринарли асарларидан биридир. Унда давлатнинг кучи “Левиафан” номли улкан мифологик махлуқот («Левиафан» насроний ақидасига кўра илонсифат ёвуз махлуқ, вайронкор

куч, йўқолиб кетган улкан кит тури— Иблис рамзи) кўринишидаги қудратли, ҳаммага ҳоким бир организм сифатида тасвирланади.

“Томас Хоббс 1651 йилда “Левиафан” китобига жамлаган сиёсий ва фалсафий эсселари орқали давлат ва ҳокимиятнинг мутлақ зарурлиги, инсон табиатининг ихтилофли эканини назарий жиҳатдан асослашни мақсад ўлароқ қўйди” – деган эди Севара Алижонова, Ўзбекистон ЖОКУ таянч докторанти.

Томас Гоббснинг “Левиафан” асари давлат, жамият ва инсон табиати тўғрисидаги назарияларини изоҳлаб беришга бағишланган. Унда Гоббс инсонларнинг табиий ҳолатдаги ҳаёти ҳақида мулоҳаза юритади, яъни давлат ёки бошқарувчи ҳокимиятсиз инсонлар қандай вазиятда бўлиши ҳақида фикр юритади. Гоббснинг таъкидича, табиий ҳолатда инсонлар ўзаро уруш ҳолатида, "ҳамманинг ҳаммага қарши уруш" ҳолатида яшашади. Бу ҳолатдан қочиш учун инсонлар ўз эркинликларининг бир қисмини кучли марказий ҳокимиятга топшириб, ўзаро шартнома тузадилар. Шу йўл билан улар тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга интилган ҳолда давлатни (ёки Гоббснинг истилоҳида "Левиафан"ни) яратишади.

Асарда инсон табиати, қонунчилик, этика, дин, сиёсий ва ижтимоий тузумлар ҳақидаги кенг назариялар баён қилинган. Гоббс Левиафанни кучли давлатнинг метафораси сифатида қўллаб, давлатнинг асосий вазифаси тинчлик ва тартибни таъминлаш, шунингдек, фуқароларни бир-бирига зарар етказишдан ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, фуқаролар ўртасидаги келишув давлатга сўнгги ва олий ҳокимиятни бериш орқали амалга оширилади ва бу ҳокимиятдан қочиш ёки унга бўйсунмаслик жамиятдаги тартибсизликка олиб келади.

Давлатнинг асосий мақсади инсонларни уларнинг табиий ҳолатидан сақлаб қолишдир. “Левиафан” – “асосий мавжудот” сифатида давлат тартиб-интизомни сақлаб қолиш, ўзаро урушларни тўхтатиш ва жамиятнинг барқарорлигини таъминлаш учун барча кучли, ахлоқсиз ва қўпол бўлса-да, ваколатларга эга бўлиши керак.

Гоббснинг таъсири шу даражага етганки, «Левиафан» сўзи «давлат» сўзининг синонимига айланган ва кўплаб сиёсатчилар бу атамадан фойдаланганлар. Зеро, Томас Гоббс “Левиафан” деб аталадиган тушунчани фанга киритганида у афсонавий махлуқ ҳақида эмас, инсонлар ўз қўркуви ва хавотиридан яратган даҳшатли даражада кучли давлат ҳақидаги тушунчани назарда тутган эди. Хоббснинг фикрича, инсон табиатан озод бўлса-да, у хавфдан чўчийди, жонини асраш учун ҳар нарсага рози бўлади: эркидан кечиб, ўз тақдирини бир кучли ҳокимият қўлига топширади. Шу тарзда “Левиафан” – ҳамма нарсани назорат қилувчи мутлақ давлат пайдо бўлади. [Интернет нашрлари маълумотларидан фойдаланилди].

Асарда афсонавий махлуқ «Левиафан» тилидан бир фикр келтирилади: «Ҳозирги давлатлар ҳам бир томонлама ва кучли бўлиши керак. Улар фуқароларнинг хавфсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиши керак, шу билан бирга уларнинг ҳаётига аралашishi керак, чунки давлатнинг ваколатлари чекланмаган».

"Левиафан" термини аввал кучли ва марказлашган давлатчилик рамзи сифатида тушунилган бўлса, бугунги кунда турли сиёсий ва ижтимоий контентларда танқидий муносабатларга сабаб бўлмоқда.

Масалан, давлатга нисбатан танқидий ёндашув, сиёсатда давлатнинг роли ва таъсири ва унга бўлган муносабат эндиликда критик ёндашувдан ўтказилиб, қайта - қайта муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Нега?

Негаки, сезган бўлсангиз керак марказлашган ва кучли давлатлар тарихда ўз мақомини ушлаб туриш мақсадида баъзан турли ёвуз ҳатти-ҳаракатларданам фойдаланган. Ўзини энг қаттиқ режимларини намоён қилиб, ўзини ҳамиша “тартиб ўрнатувчи” сифатида кўрсатган.

Эсланг-чи, шунда миянгизга биринчилардан бўлиб шундай режимли қайси давлатлар келди?

Масалан, Германияда Гитлер ҳам тартиб, иқтисодий барқарорлик ва хавфсизлик ваъдаси билан халқ ишончини қозонган. Аммо натижада Левиафан халқ учун эмас, халқ у учун хизмат қиладиган механизмга айланган. Давлат инсонлар учун эмас, инсонлар давлат учун “ресурс” бўлиб қолган.

Ёки, собиқ Совет Иттифоқи сиёсий режимини олайлик. Сиёсий ва социологик эркинлик ваъдасидан бошланиб, утопистик давлат ғоялари билан суғорилган тоталитар режимдаги давлатни ўзгинаси бўлиб қолди.

Ёки ...Хуллас, тарихда яшаб ўтган бундай режимли давлатларнинг сон – саноғи йўқ.

Хулоса: Гоббснинг фикри нима бу асардан?

Шунақа бўлиши табиий ҳолатдек кўринган «қисқа, кўрқинчли ва хавфли» ли Левиафанда «одам – одамга бўри» қондаси бўйича яшаб, бунда:

- одамлар бир-бирига ишонмайди;
- уруш, жанжал, фитна ва талон-торож бошланади;
- ҳар ким фақат ўз манфаатини кўзлайди. Бунини Левиафан ўзининг қудратли қўллари билан бостиришга мажбурдир.

Нима учун одамлар «Левиафан» - давлатга бўйсунди? Чунки одамлар тинчлик ва хавфсизликни истайди. Шунинг учун улар:

- биргаликда келишув қилади,
- ўз эркинликларининг бир қисмини давлатга топширади,
- эвазига давлат уларни ҳимоя қилади.
- Бу келишув ижтимоий шартнома (social contract) деб аталади.

Гоббснинг бу асарни ёзишдан мақсад – муддаоси, қисқа қилиб айтганда, давлат жуда кучли бўлиши керак; қонунни фақат у белгилайди; тартиб ва хавфсизликни фақат у таъминлайди. Шу жиҳатдан у мутлақ монархияни қўллаб-қувватлайди. “Левиафан”:

- давлат ва жамият муносабатларини илмий асосда тушунтирган биринчи катта асарлардан;

- ҳозирги ижтимоий шартнома назарияси учун асос бўлган;

- сиёсат, ҳуқуқ ва фалсафадаги кўп тушунчалар айнан шу асарда шаклланган.

“Левиафан” – бу инсон табиати, давлатнинг мақсади ва қонуннинг аҳамияти ҳақидаги илмий-фалсафий китоб. Асарнинг асосий ғояси шундаки: тартибсиз

жамиятда инсон ҳаёти хавфли, унинг хавфсизлиги учун кучли тузилмаларга эга, қаттиққўл, кучли сиёсий режимли давлат шарт.

Хўш, бугунги кунда «Левиафан» сингари «иблиссимон махлуқлар» панжасини қаерлардадир кўрамизми ёки ҳис қиламизми? Мен сизга айтсам, у биз ўйлагандан кўра яқинроқда!

Бугунги Левиафанлар улар танк билан эмас, информацион қуроллар билан ҳамкорликдаги қудратли ахборот манбаи билан таҳдид солади.

Сизнинг гаджетингиз орқали онлайн ҳаракатингиз, турли иловалар орқали харидингиз, онлайн хизматлар орқали овоз беришингиз, нимани севишингиз, қандай контентлар қизиқтириши, ҳатто нимадан қўрқишингиз ҳам маълумотга айланади. Ва шу маълумотлар орқали қарорларингизга таъсир этилади. Эндиги кучу қудратни эгаси -зўравонлик ва қудратли армия эгаси бўлган давлат эмас - ахборотни ким назорат қилишида бўлиб қолди. Бугунги «информацион «Левиафан»лар шуниси билан хавфлидир.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет нашрлари:

1. Томас Гоббс. Левиафан. <https://info/kitoblar/levifan.pdf>
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. Dunyoga ta'sir o'tkazgan siyosiy esselar. Севара Алижонова. <https://oyina.uz/uz/article/3758>
4. Кто такой Левиафан? <https://blog.predanie.ru/article/>